

## БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ БУДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Тошанов Шухрат Жонтемир ўғли**

Иқтисодиёт (Тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги магистранти

Илмий раҳбари: Бекмуродов Нурали

**Аннотация:** Мақолада мақсади мамлакатимизда даромадларни бюджетлараро оқилона тақсимлаш йўллари, хусусан солиқларни бюджетлараро тақсимлаш ва бюджет даромадларини мақсадли тарсфертлар шаклида тақсимлаш ёллари ёритилган.

**Калит сўзлар:** даромад, бюджетлараро муносабат, солиқ, субвенсиялар, ўтказиб бериладиган даромадлар, дотация, бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар, мақсадли ижтимоий трансфертлар.

Бюджетлараро муносабатлар ўз моҳиятига кўра давлат молия тизимининг ўзаги - бюджетни шакллантириш ва амалга ошириш жараёнининг алоҳида босқичини назарда тутлади. Бу муносабатларнинг мазмунини ушбу босқичнинг объектив функцияси, яъни давлат ҳокимияти ва бошқарувини ташкил етиш услубига адекват бўлган турли даражадаги давлат бюджетлари иштирокида молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш белгиланади.

Юқоридаги ҳолатда умумдавлат солиқлари ва бошқа даромадлар, жумладан, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича юридик шахслардан ва яқка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ, маҳаллий ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига аксиз солиғи, давлат божлари, йиғимлар ва жарималар тўлиқ ҳажмда маҳаллий бюджетлар даромадларига ўтказилиши ҳисобига юз берган.

Мамлакатда бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш, ҳудудларнинг бюджет билан таъминланганлик даражасини оширишга қаратилган сиёсат юритилишига қарамай, маҳаллий бюджетлар ихтиёридаги даромадлар улуши пастлигича сақланиб қолаётганини ижобий баҳолаб бўлмайди ҳамда маҳаллий бюджетлар учун йетарли даражада емас. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари барқарорлигини ошириш, улар мустақиллигини таъминлаш учун солиқлардан берилётган ажратмалар бюджет қонунчилигига мувофиқ ҳудудларнинг вилоят бюджетига қолдирилмоқда.

Маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини ошириш ва даромад базасини мустаҳкамлаш, қўшимча даромад манбаларини аниқлаш, шунингдек, ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча манбаларни жалб этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар Давлат бюджети параметрларининг ижро этилишига ижобий таъсир кўрсатди. Бугунги кунда ҳудудларнинг реал имкониятларидан келиб чиқиб, йечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ва жойлардаги ишларнинг ҳақиқий ҳолатини ўрганган ҳолда ишлаб чиқилган келгуси йил мамлакатнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнозлари, бюджет даромадлари ва харажатлари параметрлари, уларни бюджетлараро тақсимлашга алоҳида еътибор қаратилмоқда.

Қайд этиш жоизки, маҳаллий бюджетлар баланслигини таъминлаш улар даромадларининг харажатларига мутаносиб бўлишини тақозо этади ва харажатлар таркибини таҳлил қилиш, шу асосда уларни оптималлаштириш маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. O'zbekiston Respublikasi Byudjet kodeksi, 2020 yil 30 dekabrda 660-sonli Qonun tahririda
2. Sharapova, M. A. (2021). Issues of improving the financing of public education in the republic of Uzbekistan. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (96), 115-119.
3. Н.Э. Жиянова, У.А.Ортиков Солиқ ва солиққа тортиш солиқ тизимининг жаҳон тажрибаси ва уни Ўзбекистон амалиётида қўллаш имкониятлари-Иқтисодиётда инновация, 2020 1 (3)